



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ШАНБА

СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 160 (9656).

1989 йил 26 август

Баҳоси 5 тийин.

ЭРТАГА-ШАХТЁРЛАР КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КОМИТЕТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● **РЕСПУБЛИКА** саноатининг кўмир қазиб чиқариш тармоғида «Среднеуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унга қарашли корхоналар ишлаб турибди. 1989 йилнинг январь-июль ойларида тармоқ маҳсулотининг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,8 процент кўпайди, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш беш баравардан кўпроқ ортди. Кўмир қазиб олиш 7,8 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 8,4 процент ўсди. ишлаб чиқариш ҳажмининг жами орттишига меҳнат унумдорлигининг ўсиши эвазига эришилди.

Истеъмолчилар олдидаги шартномавий мажбуриятлар тўла-тўқис адо этилди. Етти ойлик топшириқларга қўшимча тарзда 114 минг тонна кўмир қазиб олинди.

Корхоналар фондларининг маблағлари эвазига тармоқ меҳнаткашлари учун шу давр мобайнида умумий саноат 3,1 минг квадрат метр бўлган уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Йиллик план эса 2,8 минг квадрат метрога тенгдир.

Шу билан бирга тармоқда ҳавони муҳофаза этиш ишлари деярли олиб борилаётгани йўқ. Масалан, 1988 йилда муқим ишлайдиган манбалардан ҳавога 1,2 минг тонна зарарли моддалар чиқиб кетди, шуларнинг 95,5 проценти тозаланмасдан чиқариб юборилди. 1985 йилга нисбатан ҳавога зарарли моддаларнинг чиқиши 0,5 минг тонна, яъни 31,5 процент камайди. 1989 йилнинг биринчи ярим йиллигида зарарли моддаларнинг ҳавога чиқиб кетиши камайгани йўқ.



● **АНГРЕННИНГ** 9-шахтаси кончилари ўз касб байрамларини меҳнатда муносиб совғалар билан қутиб олаёттилар. Улар кўмир қазиб чиқариш етти ойлик планини 4 процент орттириб би-

лаш бажаришга муваффақ бўлдилар. Бундай муваффақиятни қўлга киритишда 6-участка коллективининг ҳиссаси катта бўлди. Участкада Маҳкамбой Парпиев етакчилигидаги бригада коллекти-

ви энг юқори кўрсаткичга эришди. Улар пландан ташиқари 3815 тонна кўмир қазиб чиқариб, 7 ойлик планини 128,2 процент қилиб адо этдилар. **СУРАТДА:**

М. Паршев (ўртада) ўз коллективи аъзолари П. Иўлдошев (чапда) ва Б. Налайидиновлар билан.

Э. КОМИЧ суратта олган.

БУГУНГИ СОНДА:

«Миллионлар бир сафда»

2-бет

«Онанинг кўз ёшлари»

3-бет

«Эй, сабо, Ленинни
уйғотдил...»

4-5 бетлар

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қурилишда кўп йил фидокорона меҳнат қилганлиги, юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги ва иқтисодий турмушда фойда қатнашганлиги учун қуйидагиларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлади:

Баҳодиров Худойберган — «Ташоблстрой» бирлашмаси 6-қурилиш трестининг 127-механизациялашган кўча колонна-си монтажчиси.

Бобожонов Тўхтасин — «Узгорстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси Ангрени уйсозлик комбинати монтажчилар бригадасининг бригадир.

Болотин Алексей Исаевич —

«Ташоблстрой» бирлашмаси 6-қурилиш трестининг бошқарувчиси.

Воробьев Евгений Александрович — «Узстройтранс» иқтисодлаштирилган бирлашмасининг «Ташстройтранс» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси.

Довидов Тожибой — «Узстройдревпром» территориал бирлашмаси 1-ёғочсозлик заводининг дурадгори.

Зиёдуллаев Ҳикматулло — «Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмаси «Отделстрой» трестининг 11-маҳсусл қурилиш бошқармаси сувоқчиси.

Муҳаммадиева Тезима — 162-

қурилиш трести 3-қурилиш бошқармаси бўёқчилари бригадир.

Оппоқов Раҳматилла — «Узстройконструкция» территориал бирлашмаси 2-темирбетон буюмлар заводи электр пайвандчиси.

Умаров Ориф Холматович — «Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмасининг 1-уйсозлик комбинати 1-йирик панелли уйсозлик заводи тақелажчилари бригадир.

Усмонов Ботирхон Сутонович — Ўзбекистон ССР Госстройига қарашли «Ташоблстрой» территориал қурилиш бирлашмаси «Ўзбекшахтострой» трестининг Ангренидаги 6-қурилиш бошқармаси дурадгори.

риятга пора беришга тўғри келар эди».

Аммо шунга қарамасдан, дастлабки тергов материалари шундан далолат бермади, турибдики, Худойбердиев 1989 йил 3 май кунини бўлган сўроқ вақтида «ўз абадан» юмшатишни истаб, Хазинатчиларни қўрсатма ларини даъво-басбас қилиш маълум раъд этиб, Суд мажли си чоғида биринчи кун сў роқ қилинганида, у даст лабки тергов вақтида ўз берган қўрсатмаларини бата мом раъд этиб, Худойбердиев ўша қўрсатмаларини тергов инини таъйини остида айт ганман, деб даъво қилди.

Хуллас, суд ҳақиқати рўёбога чиқаради. Яншоин ишининг бутун 15 жилди та диқ қилиб, барча далиллар синичкаб текшириб чиқи лангадан кейин суд ўз ҳу ми ми чиқаради.

**Н. ДЕМИДОВ,
ТАСС мухбири**

27 АВГУСТ—СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

ҲАЁТИЙЛИК—МАҲОРАТ МЕЗОНИ

ҲОЗИРГИ кинематографик жараён ниҳоятда мураккаб ва зиддиятларга бой. Бизни ҳужжатли кино ленталарнинг ҳаётлиги ва ўткирлиги қувонтирса, худди шу асарлар рус тилида суратга олинганлиги ҳамда намоёниш этилаётгани кишини ўйлантириб қўяди. Аслида ўзбек аёлларининг ўзларига ўт қўйишларининг сабабларини очишга қарор қилган кинопублицистларга («Аланга-фильми») рус аудиторияси учун эмас, балки маҳаллий аҳолига атаб асар яратишлари зарурлиги ўз-ўзидан маълум эмасми?! Бадий кинода турғунлик даври воқеаларини тавдантиришга бўлган интилиш («Фалажлик») шубҳасиз томошабинларда қизикшиш уйғотди. Лекин ундаги айрим эпизодларнинг ечиминда йўл қўйилган нуқсонлар драматик ҳодисаларга тавсиф беришда андازга айрилиб қолган шакллари кўллаш, кўпдан-кўп муаммоларнинг туб моҳиятига тушуниб етмаслик оқсидан келиб чиққан енгил-еппи образлар ҳамда уларнинг гайритабиий талқини кишини ўйлантириб қўяди. Кино санъаткорларининг сафи кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд қиламиз. Шу билан бирга махсус таълим олиб студияга не умидлар билан келган ёшларгина эмас, кинематографиямизнинг ўрта бўғинига мансуб бўлган санъаткорлар ҳам янги асар кутиб, ойлар, ҳатто йилларни беҳуда ўтказётганидан ранжиймиз. Зеро, бундай ҳолда ёшлар ўз кучига ишонамай қўйишади, етук санъаткор фаолиятида эса ижодий турғунлик бошланиши мумкин...

Афсуски, бундай муаммоларни қўллаб санъатимиз мумкин. Кинони қайта қуриш чўзилиб кетётгани тўғрисида ҳам мураккаб масалалар авваллари қандай ҳал этилгани ҳақида ўйлаймиз. Шу боисдан бугунги кун нуқтан назардан кинонинг ўтмишига назар ташлаймиз ва энг яхши фильмлардан, уларнинг муаллифлари маҳоратидан сабоқ олишга ошиқамиз.

Мавзу ва қаҳрамон танлаш бадий ижодда ҳамisha муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Ҳозир ҳам катта маблаг ва улкан ижодий коллективнинг меҳнати эвазига вужудга келадиган кино асари қандай масалани ёритиши, қайси замон ва макон вақилини қаҳрамон қилиб олиши масаласи ҳал этилганича йўқ. Ораимизда қонинга эзгу мақсадлар билан учаётганлар билан бирга ўғри, банги, кўча аёлларига айланганлар ҳам бор. Орол учун қайғураётганлар, пахта майдони камайтирилмас қурғоқчилик ҳамда кимёвий дорилар қурбони бўлишимизга ақли етиб бонг урётган зиёлилар, деҳқонлар билан кооперативчи никоби остида қайқовчилик қилаётганлар, ошқораликдан ўз мақсадларида фойдаланаётганлар ҳам бор...! Ҳўш, камера объективини кимларга қаратишимиз керак?

Ҳужжатли кинода турли муаммоларга бағишланган фильмлар шунчалик кўпайиб кетдики, энди улар ҳажвий кино-журналлар бажариши керак бўлган вазифалар билан ҳам шугулланиб қолаётгандек туюлмоқда. Демак, ҳозир санъ-

аткорнинг дунёқараши, зиддиятлар моҳиятига чуқур кириб бориши ва уларга тўғри баҳо бериши ҳамда бадий тадқиқ қилишини кузатиш катта аҳамиятга эга. Бу муаммоларни ёдда сақлаган ҳолда 20-йиллар киноси тажрибасига назар ташлаганимизда ўрганишга лойиқ воқеалар содир бўлганини кўраемиз.

Аваллари ҳужжатли ва бадий кино ўртасида ҳозиргидек жиддий чегара йўқ эди. Ваҳоланки кинематографиянинг икки соҳасига тегишли ва замон масалаларини очиши лозим бўлган кадрлар услуби, ижро ва тоналлиги бўйича бири бири билан уйғунлашиб кетганди. 20—30-йилларда яратилган «Пахтаорол», «Бахт қуёши», «Тожиҳон Шодиева» каби бадий фильмларга ҳужжатли ленталар орқали барчага маълум бўлган кадрлар ҳам киритилганди. Полотноларнинг ижроси ҳам шунга мосланганди. Профессинал актёрлар билан бир қаторда ташқи қиёфасига қараб танланган ҳаваскорлар ҳам роллар ижро этишганди. Бу факт ҳам воқеаларни деярли ортиқча жим-жимасиз, ҳаёт ҳақиқати талаб этган тазарда кўрсатишга бўлган интилишдан даража берарди. Тўғри, бундай ҳужжатли кино тажрибасидан келиб чиқиб яратилган бадий асарларда катта умумлашмалар ва фалсафий ўйларни экранда ифода этишга эришилганини ҳам эслатиб ўтамиз. Бунга кейинчалик 30-йилларнинг охирида эришилди: Катта Фаргона канали қурувчиларнинг жасоратини кўрган С. Эйзенштейн улаони триптих шаклида ҳикоя қилмоқчи бўлди. Унда Темуриланг билан боғлиқ халқонли воқеаларга 1905 йил инқилобининг кўрсатувчи лавҳалар ўланиши кўзда тутилганди. Триптихнинг учинчи қисмида ҳам бадий умумлашмаларга бой новеллалар ўқин олиши кеоак эди. Шу билан бирга бу эпизодларга канал қурилиши манзаралари, Ҳалима Носирова, Тамарахон, Уста Олим Комилов, деҳқонлар тасвири ҳам киритилиши назарда тутилганди. Лекин бу асар охиригача суратга олинмади. Иш зудлик билан тўхтатилди. Суратга олинган нодир кадрлар эса ҳозиргача топилгани йўқ.

Қайта қуриш даврида ҳужжатли кино мавзу ва талқин йўллари танлашда бадий киного кўмаклашиши мумкин. Лекин негизий кинематографиянинг бу икки соҳаси бир-биридан узоқлашиб бормоқдаки, бу ҳол бизни хавотирга солиши, табиийдир. Зеро, ҳужжатли экран ҳаётийликка ўргатиши мумкин, бадий полотно эса қизикарли эпизодлар, композициялар яратиш йўллари эслатиб туради. Бир-бирига яқин санъаткор ўртасида «Хитой девори» қад кўтарга бошлаганидан томошабинни ишонтирмайдиган ғайритабиий кадрлар пайдо бўлмоқда. Масалан, «Фалажлик» бадий лентасида ҳозирги ўзбек кишлоқини тасвирлаш лозим бўлган қўйидаги лавҳа бор: шаҳарлик журналист катта кўча бўйлаб кетётганида олдида трактор келиб тўхтади. Ҳайдовчи — гўзал бир аёл так-

лифига бинсан йигит унинг ёнига ўтиради. Йўлдаги суҳбатдан маълум бўлишича, бу жувон бир неча кундан бери эрини топаолмаётган экан. Ниҳоят, оила бошлиғи йўқолган хонадонга келишади. Журналист шу уйда тунайдди. Олпоқ чойшаблар солинган ўрин ёнида нозу неъматлар... Эрини йўқотган ёш жувон эса тунда кир ювади, нон ёпади, боласини чўмилтириб, момикдай катта сочиққа ўрайди...

Ҳужжатли кинода аёлларнинг қишлоқдаги аянчи аҳоли тасвирланаётган бир пайтда бадий кино ижодкорлари нотаниш эркакни трактор кабинасига ўтказиб уйига олиб келади, сунгра ўз меҳнатидан завқланиб, хонадон юмушларини қилаётган (бу кадрларга лирик мусиқа садалари жўр бўлишини ҳам эслатиб ўтайлик) аёлни тасвирлашлари кишини таажжублантиради.

Бу ўринда қишлоқ аёли халқимизнинг ўзига хос ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилишини ҳам, далада жазирма офтоб остида шароитимизга мосланмаган тракторнинг кичкинагина хонасида чанга, шамолга, кимёвий дориларга бардош бериб эрта тонгдан хуфтонгача меҳнат қилганидан кейин уйдаги юмушлари қанчалик енгил кўринмасин яна тандир ва жомашов, ўчоқ ҳамда ўрин-кўрпа атрофида олиб югуриши учун мадори бўлмаслигини ҳисобга олиш зарур эди. Шундай экан, нега унинг ҳаётини бўлиб кўрсатамиз? Нера унинг ҳис-туйғуларини билмай туриб асар яратмоқчи бўламиз?

Танланган мавзу қанчалик долзарб бўлмасин ва зудлик билан экранда ёритиш зарур кўринмасин, ҳаётини очишга қодир бўлган янги эстетик шакллар кашф этилмагунга қадар бирорта кадр суратга олиниши мумкин эмаслигини бир қатто бадий ленталар эслатди. Бу ўринда кинематографиямиз тарихидан ҳам сабоқ олиш мумкин. Хусусан, «Сен етим эмассан» фильми қаҳрамонларнинг экрандаги умри ҳужжатли ленталардан бошланган Р. Файзий ва Ш. Аббосов ўз асарларида кинопублицистиканинг тажрибасини ҳисобга олганликлари маълум. Биз тилга олган «Фаргона канали» сценарийсида эса бадий ва ҳужжатли кино қонуниятларига мўвофиқ суратга олинган кадрлар бир-бирини мазмунан тўлдирди, ҳис-ҳаяжон уйғотиши назарда тутилганини таъкидлаб ўтамиз. Бу тажриба ўрганишга лойиқ эмасми?

Кино ишларини қайта қуриш даврида ҳар бир асар иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан фойда келтиришини таъминлаш мақсад қилиб қўйилди. Бошқача айтганда, фильмлар тарбия воситаси сифатида тан олинини, айнаи бир вақтда маълум миқдорда маблаг йиғиш зарурлиги қайд қилинди. Аниқроғи, фильмни суратлаш олиш учун сарфланган маблагни шу асарнинг ўзи қоплаши керак. Бунинг натижасида эндиликда кинотеатрларда намоёниш этиладиган ленталарда беҳисоб одобсиз сахналар ва интим ҳолатларни кўрсатишга



бўлган интилиш кучаймоқда. Аслида ҳақиқий санъаткорлар томошабинни бундай эпизодлар билан эмас, балки фикр таронлиги ва санъат бўёқларининг нозиклиги билан мафтун этиб келишган.

Хуллас, фильмларга беодоблики тарғиб этадиган кадрлар ҳеч бир заруратиш киритилмоқда, улар томошабинларга кун сайин кўрсатиб турилбди. Ваҳоланки, жумҳуриятимизнинг кечаги ва бугунги кунига бағишланган ниҳо-

ятда таъсирчан ҳужжатли ленталар бор. Агар фильмларни ижарига олиб, экран сари йўлланма берадиган идоралар «Ўз боласидан воз кечган», «Хўжум», «Она», «Гражданин», «Аланга», «Эркалар, Эркалар! Эркалар!» каби ўткир публицистик асарларга эътибор берганларида кино санъати учун ҳам, томошабин учун ҳам фойдали иш қилган бўлардилар.

Ҳамидулла АҚБАРОВ,
киношунос.

▲ КИНО санъатимиз ижодкорлари томошабинларнинг тобора ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларига жавоб берадиган экран асарлари яратиш мақсадида тинимсиз изланишмоқда. Суратларда: шу кунларда намоёниш этилаётган янги бадий ва ҳужжатли ленталар — «Аланга»ни суратга олиш жараёни (режиссёр Ш. Маҳмудов), «Қасоскорнинг олтин боши» (режиссёр А. Ҳамдамов), «Фалажлик» (режиссёр Э. Эшмухамедов), «Еввойи» (режиссёр Қ. Камолова) ва «Тожиқфильм»да ишланган «Санам» фильмидан кадрлар.



• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба

28 август

● **УзТВ**
16.00 Телефилм. 16.30 Жиноят қидирув бўлими бошлигининг ҳаётидан. Бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультифильм. 18.30 Колокольчик. 19.00 Қайта жиҳозлаш — давр талаби. 19.30 Қайта куриш йўлидан. 20.00 Ахборот. 20.20 Ўзбекистон ССРнинг «Тиллар тўғрисидаги Қонуни» лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Чинор тағдири дуэль. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Товарлар — халққа. 20.15 Тонггача омон қолсак бўлгани. Бадий фильм. **ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ** 21.30 «Время». 22.00 М. И. Сай. Гипноз сеанси. 22.15. Енгиш. Бадий фильм.

● **МТ I**
7.00 «120 минут» 9.05 Концерт. 9.25 Футбол шарҳи. 9.55 Уруш арафасида. Бадий фильм. 11.20 Ҳайвонот оламида. 12.20 Ҳужжатли фильм. 16.05 Концерт. 16.55 Ҳужжатли фильм. 17.15 Мультифильм. 17.30 Онам, дадам ва мен. 18.00 «Халхин — Гол тарих нуктаи назарида». 18.45 Закарпатья жигалари. 19.15 Футбол шарҳи. 20.15 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 2-серия. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 СССР халқ артисти И. Богачеванинг концертбенефиси.

● **МТ II**
9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Бир бор экан, бир йўқ экан... 10.05 Концерт. 10.30 Италия тили. 11.00 Ҳужжатли фильм. 11.20 Мистер-Твинстер. Фильм-спектакль. 11.50 Концерт. 12.05 Бу оламини ҳалқонларантормоқда. 12.20 Тўрт танкичи ва ит. Бадий фильм. 20-серия. 13.15 Ҳужжатли фильм. 13.45 Концерт. 14.05 Қирғоқ. Бадий фильм. 1 ва 2-серия. 17.30 Янгилар. 17.40 Африканинг. Бадий фильм. 18.45 Совет Иттифоқида хизмат қилмади! 19.15 Орт спорт. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.30 «Время». 22.05 XX сўз сўзлаб. Бадий фильм. 1-серия. 22.55 Классик кураш. Жаҳон чемпионати. 23.40 Янгилар. 23.45 Волейбол. Халқаро турнир. 00.30 Тонгги почта.

Сешанба

29 август

● **УзТВ**
16.00 Дубрава. Атроф-муҳит муҳофазаси. 16.45 Тонггача омон қолсак бўлгани. Бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.50 Объективда — қайта куриш. 20.00 Ахборот. 20.15 Партиянинг ҳозирги шароитидаги миллий сиёсати. 20.50 Эстрада калейдоскопи. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 Мақом кечаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Ўзбекистон. Киножурнал. 20.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.30 Эсдалик учун дастхат. Музикали программа. **ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ** 21.30 «Время». 22.05 «Сирена». 22.20 Ёшларга осонми? Бадий фильм.

● **МТ I**
7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.35 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. 12.00 Бу бўлган... бўлганди... 12.20 Ҳужжатли фильмлар. 13.20 И. Богачева. Концерт. 16.05 Адиген турк фольклор ансамблининг чиқиши. 16.30 Ҳужжатли фильм. 16.50

Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади. 17.50 Мультифильмлар. 18.20 Спорт ва шахс. 18.50 Ленинкан: тиклаш хроникаси. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 20.00 1989 йил қўшиқлари. 20.15 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.25 СССР ИИМ маълумотларидан. 22.15 Концерт. 23.05 90-йил авиацияси. Телеочерк. 23.35 Дунё воқеалари. 23.50 А. Вивальди Глория.

● **МТ II**
9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Бир бор экан, бир йўқ экан... 10.15 Концерт. 10.40 Француз тили. 11.10 Адабий ўқиш. 11.50 Давр билан юзмаюз. 12.05 Янгилар. 12.15 Ҳужжатли фильм. 12.25 Тўрт танкичи ва ит. Бадий фильм. 21-серия. 13.30 Француз тили. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.30 Мультифильмлар. 17.30 Янгилар. 17.40 Мана шундай мўжизалар. Бадий фильм. 18.45 Концерт. 19.30 Волейбол. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Баскетбол. Ярим финал. 21.30 «Время». 22.05 СССР ИИМ маълумотларидан. 22.15 XX сўз сўзлаб. Бадий фильм. 00.05 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК—«Химик».

Чоршанба

30 август

● **УзТВ**
16.00 Болалар учун фильмлар. 16.45 Ўқитувчиларнинг аънавий август кенгашида. 18.00 Янгилар. 18.10 Ҳайр, боғча, салом мактаби! 18.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. 19.30 Ўзбекистон ССРнинг «Тиллар тўғрисидаги Қонуни» лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.00 Ахборот. 20.20 Арманистон мусибати — ҳамма-нинг қайғуси. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Бўстон. Тележурнал.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Ярим соат классик куйлар янграйди. 20.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.05 Пульс. Информацион кўрсатув. 21.15 Телефильм. **ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ** 21.30 «Время». 22.05 М. И. Сай. Гипноз сеанси. 22.15 Ёшлар ва қайта куриш. 23.25 Телефильм.

● **МТ I**
7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.25 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 3-серия. 10.55 Савҳатчилар клуби. 11.55 Мультифильмлар. 12.20 Концерт. 13.10 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК — «Химик». 16.10 Концерт. 16.25 Ҳужжатли фильм. 17.00 Музикали ҳазина. 17.35 Социология: саволлар ва жавоблар. 18.05 Концерт. 18.25 Мангуликка айланган лаҳзалар. 19.00 Духовий оркестр чалади. 19.20 Дунё воқеалари. 19.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.20 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 2-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Икки ҳаёт, икки тақдир. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Икки ҳаёт, икки тақдир. (давоми).

● **МТ II**
9.05 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 10.15 Заречная томонда. 10.40 Немис тили. 11.10 А. Толстой. Рус характери. 11.35 Ҳужжатли фильм. 12.05 Янгилар. 12.15 Немис тили. 12.45 Ўн олти шахарлик ўн олти киз. Бадий фильм. 14.00 Командировка. Бадий фильм. 1-серия. 17.30 Янгилар. 17.40 Албондаги варақ. Бадий фильм. 19.05 Эрта тонгда. 19.25 Спорт программаси. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Жаҳон студент ўйинлари. Баскетбол. 21.30 «Время». 22.05 Командировка. Бадий фильм. 1-серия. 23.10 Ҳужжатли фильм. 00.05 Янгилар.

Пайшанба

31 август

● **УзТВ**
16.00 Уринбосарлар улғаймоқда. Кинопрограмма. 16.45 Ўқитувчиларнинг аънавий август кенгашида. 18.00 Янгилар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.40 Ўсмирлар учун. 19.15 Социалистик конунчилик ва демократия. 19.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. 20.00 Ахборот. 20.10 Сиз учун пойабзал. 21.00 Реклар гулдастаси. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Пактачилик: тажриба ва муаммолар. 22.55 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Реклама. 20.30 Танаффус пайтидаги мулоқотлар. **ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ** 21.30 «Время». 22.05 Сабзавот конвейер-89. 22.15 Ҳужжатли фильмлар.

● **МТ I**
7.00 «120 минут». 9.05 Ҳужжатли фильм. 9.25 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 2-фильм. 1-серия. 10.35 Мультифильмлар. 1, 2, 3 ва 4-сериялари. 11.15 Камалак. 11.45 Ҳужжатли фильм. 12.15 Икки ҳаёт, икки тақдир. 16.05 Концерт. 16.40 Импониат. 17.15 Мультифильмлар. 17.45 Ўқув йилининг бошланғичи. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Импульс. 20.15 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Олам кинокамера кўзгусида. 23.00 Фильм-балет. 23.55 Дунё воқеалари. 00.10 Сизга манзур қўшиқлар.

● **МТ II**
9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Ҳужжатли фильм. 10.25 Концерт. 10.50 Испан тили. 11.20 Фильм-концерт. 12.05 Янгилар. 12.15 Болалар учун фильм. 13.30 Испан тили. 14.00 Командировка. Бадий фильм. 2-серия. 17.30 Янгилар. 17.40 Комиссар ҳақида дoston. Бадий фильм. 18.45 Мультифильм. 18.55 Футбол. «Помир» — «Спартак». Танаффус пайтида (19.45) Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.50 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 21.30 «Время». 22.05 Командировка. Бадий фильм. 2-серия. 23.10 Янгилар. 23.15 Замонавий бешкурш.

Жума

1 сентябрь

● **УзТВ**
15.00 Совет Иттифоқи шаҳарлари. Кинопрограмма. 16.00 Қайта яратилган қўшиқ. Фильм-концерт. 16.20 Мовий куш. Бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.15 Янги ўқув йили билан. 18.45 Ўзбекистон ССР Ҳалма номидидаги Давлат мукофотиға номзодлар. Рассом И. Турсунназаров. 19.30 Бугун — Билимлар кун. 20.00 Ахборот. 20.20 Илгор тажриба мактаби. 20.50 Камолот сари. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 К. Яшин. Инқилоб тонги. Спектакль.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Ажойиб Йегудил Хламида. Бадий фильм. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Навқирон Тайга. Телефильм.

● **ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ** 21.30 «Время». 22.05 М. И. Сай. Гипноз сеанси. 22.15 Оҳанги зиндаги. 23.30 Фильм-концерт.

● **МТ I**
7.00 «120 минут». 9.05 Ҳужжатли фильмлар. 12.35 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 2-фильм. 2-серия. 10.50 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 11.20 Инсон институти. 12.20

...16 ёшгача ва ундан катталар. 13.05 Мультифильмлар. 1 ва 2-сериялар. 13.40 Ўқув йилининг бошланғичи. СССР Халқ таълими Давлат комитетининг раиси Г. А. Ягодин жавоб беради. 15.10 Футбол. «Помир» — «Спартак». 16.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 Кувнок сартлар. 18.15 Эртақлар ва сержуашлар мамлакатига савҳат. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Стачкадан сўнг. Телеочерк. 19.50 Концерт. 20.10 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 2-фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 Бу бўлган... бўлганди... 22.25 Нигоҳ. 23.55 Катталар учун мультифильмлар.

● **МТ II**
9.00 Эрталабки гимнастика. 9.10 Ўқув программаси. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.25. 10.35 Адабиёт. 9.55 Ҳужжатли фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.55 Чет тиллар телевидение орқали. 11.40. 12.45 Тезаваратроф билан танишиш. 12.05 Янгилар. 12.15 Инглиз тили. 13.05 Кувнок — бу қўшиқ. 14.00 Командировка. Бадий фильм. 3-серия. 15.15 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгилар. 18.40 Ўқиш кечиктирилди. Бадий фильм. 18.55 Бизнинг фондиздан. 19.30 Мультифильм. 19.45 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 Командировка. Бадий фильм. 3-серия. 23.20 Янгилар.

Шанба

2 сентябрь

● **УзТВ**
9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 11.30 Рассом ва китоб. 12.05 Истеъдод. 12.45 М. Азевос. Қорақўз. Спектакль. 14.15 Болалар учун фильм. 15.30 Объективда — қайта куриш. 18.00 Болалар учун фильм. 18.35 Ўсмирлар учун. Ровесник. 19.25 Фан уфқлари. Илмий-оммабоп фильм. 20.00 Ахборот. 20.20 Арманистон мусибати—ҳамма-нинг қайғуси. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Ахборот. 22.20 Садоқат. Бадий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

● **ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ** 9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 Савту калом. Адабий-музикали кўрсатув. 10.05 Жаҳон бир ҳафта ичда. 10.20 Фильм-концерт. 11.05 Кўҳна кўрғаз. Бадий фильм. 18.05 Болалар учун фильм. 18.35 Светофор. 19.15 Гулчин. Адабий кўрсатув. 20.00 Информацион программа. 20.30 Ҳужжатли фильм. 20.40 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Б. Икромов. Армони модар. Телеспектакль. 23.05 Гауравларнинг оилавий ишлари. Бадий фильм. 1-серия.

● **МТ I**
7.00 «120 минут». 9.00 Уй академияси. 9.30 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 2-фильм. 3-серия. 11.00 Социализм мамлакатларида. 11.30 Голублар. 12.30 Дунё воқеалари. 12.45 Илмий-оммабоп фильм. 14.00 Шанба ота-оналар кун. 15.15 Халқ куйлари. 15.30 Мультифильмлар. 15.45 Сени севаман ҳаёт. 15.50 Болалар учун фильм. 16.55 Концерт. 17.25 КПСС платформаси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 18.00 Концерт. 18.40 Пленета. Халқаро программа. 19.40 Ҳеч ким ўлишни истамди. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Одамлар ва манекенлар. Бадий фильм. 3-серия. 23.05 Нима? Қерда? Кечон! 00.15 Юлдузли осмон остидаги аёл.

● **МТ II**
8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгилар. 9.45 Ҳужжатли фильм. 10.15 Кон-

церт. 10.30 Информацион кўрсатув. 10.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 11.50 Мухаббат чўрис. Бадий фильм. 13.20 Концерт. 13.35 Мультифильм. 13.45 Россия лўлла-рининг қўшиқлари. 14.30 Телевизион музикали абонемент. 15.55 Бомарше. Бемаъни кун ёки Фигароннинг уйланиши. Фильм-спектакль. 17.30 Янгилар. 17.40 Бемаъни кун ёки Фигароннинг уйланиши. Фильм-спектаклининг давоми. 18.55 Гувоҳлар айбланади. Ҳужжатли фильм. 20.00 Концерт. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 «Время». 22.00 Довораклар майдон. Бадий фильм. 23.20 Янгилар. 23.25 Замонавий бешкурш.

Якшанба

3 сентябрь

● **УзТВ**
9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 Ойла даврасида. 10.40 Биргаликда кўйлеймиз. 11.05 Битта умр камлик қилади. Бадий фильм. 12.30 Театр — болаларга. 13.15 Спорт программаси. 14.15 Мактаб ўқувчилари учун. 15.10 Техника ижодиёти мактаби. 15.55 Реклама. 18.00 Мультифильм. 18.20 Қизқич-89. 20.00 Ахборот. 20.20 Мовий олов кишилари. 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Садоқат. Бадий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

9.00 Сапеда. Информацион музикали программа. 10.05 Ҳар бир кишига ва барчага. 10.20 Тожикистон ССР Давлат телерадиоси. 11.30 Офарин. 12.25 Гауравларнинг оилавий ишлари. Бадий фильм: 1 ва 2-сериялари. 18.10 В. Шукшин. Ваганов. Теленовелла. 19.00 Новости. 19.15 Цирк программаси. 20.00 Шу ҳафтанинг воқеалари. 20.25 Телетомошбин ҳамроҳи. 20.40 Армуғон. Концерт программаси. 21.30 «Время». 22.05 Гауравларнинг оилавий ишлари. Бадий фильм. 2-серия.

● **МТ I**
8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото тиражи. 9.30 Эрта савҳатлаб. Болалар учун дам олиш — ўқув кўрсатуви. 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қилмади. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Мультифильмлар. 13.30 Киноафиш. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Ҳужжатли фильм. 15.10 Камалак. 15.45 Болалик байрамлари. 17.25 Сени севаман ҳаёт. 17.30 Қишлоқ янгилар. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультифильм. 19.25 Концерт. 20.10 Михайло Ломоносов. Бадий фильм. 3-фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Салом доктор! 22.20 Шайтоннинг гилдираги. Музикали информация программа.

● **МТ II**
8.30 Зарядкаға сафланми! 8.45 Довораклар майдони. Бадий фильм. 10.05 Тожикистон ССР давлат телерадиоси. 11.15 Концерт. 11.30 Акс-савдо. Ҳафтанинг воқеалари. 11.45 Замонавий бешкурш. 12.10 Мультифильмлар. 12.30 Катта нефть. Ҳужжатли фильм. 13.30 Давр ҳақида ва ўзим ҳақида. 13.50 Якутиядан кўрсатилади. 14.20 Агар сиз... 15.05 Ҳужжатли фильм. 16.05 Фильм-концерт. 17.05 Киножурнал. 17.20 СССР ИИМ хабар қилади. 17.30 Киносерпантин. 1-дубль. 20.20 Концерт. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Эркин кураш. 21.20 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Киносерпантин. 2-дубль. 23.05 Янгилар. 23.10 Киносерпантин. 3-дубль.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

• Кекса ғазалхонлар ижодидан •

ЕТИЛИБДУР

Ерим тимсолида Лайло етилибдур,
Ҳикрон тунима субҳи сурайё етилибдур.
Чекмай ажабо нарқасига сурма табассум
Аслида қаро кўзлари шахло етилибдур.
Қошига қалам тўқматидин кўксин очкига
Киприклариким ханжари байзо етилибдур.
Лаъли лабидан топгиси ишқ аҳли муборақ,
Ширин тилидур — булбулгўё етилибдур.
Уи етти баҳор гул юзини этди зиёрат,
Гулшанда ажаб бир гули раъно етилибдур.
Рақш этди боқиб қаддага ушбу кун шамшод,
Мажнун этагин туттали Зулло етилибдур.

Баъзан силлиқ ипга тушади чигил,
Туғунин ечмасдан узиб ташлаймиз.
Пок инсон бошига тушганда мушқул,
Шошиқлиб ҳаётин бузиб ташлаймиз.
Биласиз, бир одам бунёд бўлгунча
Қанча-қанча суварлар оқиб ўтади.
Бир йигит мурғакдан то етилгунча
Беҳисоб юлдузлар учиб кетади.
Баъзан ҳмс қўямиз бойлик ва пулга,

Ҳаддидан ошади нокастлигимиз.
Одамлар қадирин тенг билб кўлга,
Намоён қиламиз ўз пастлигимиз.
Кўз-қулоқ бўлсан гар ҳар бир одамга,
Ғам-ташвишдан халос бўларди бошлар.
Бу одат тарқалса бутун оламга
Бевақт тўқилмасди кўздан ҳам ёшлар..
Чавандоз ҳамиша қўчмағай зафар, —
Чопогон отлар ҳам баъзан қоқилар.
Меҳр-оқибатли бўлмасак агар
Бир кун бошимизда ёнғоқ қақилар.

Файзулло ХАЙРУЛЛАЕВ.

КЎНГИЛ

Инсон домд одил бўлишин истар,
Завқу сафоларга тўлишин истар.
Бу дунёда унинг умри омонат,
Шундан дўст меҳрига тўйишин истар.
Кўнгил дер: виждонли, мард ва покдомон
Азиз инсонларин эъзола ҳар он.
Феъли бузуқлардан узоқроқ юртин,
Улар бўла олмас сенга қардон.

Тожибек ЮСУПОВ,
пенсонер.КОРХОНАНИНГ
ФИРМА
МАГАЗИНИ

Мева ва сабзавот консервалари, лимонад, мармелад ва бошқа шу каби ширинликларни Чирчиқ шаҳрининг ҳар бир киши озиқ-овқат комбинатининг кираверишида очилган фирма магазиндан харид қилиш имконига эгадир.

Фирма магазинида ана шу комбинат тайёрлаган маҳсулотларнинг планга қўшимча таразда ишлаб чиқарилгани билан савдо қилинади.

А. ШЕРОВ.

«ХАМСА»
АСОСИДА
СПЕКТАКЛЬ

Таниқли бастакор У. Музаев сценарий ижоди билан музыка шинавандаларига яхши таниш. Унинг ўзбек халқ афсонаси «Тўмарис» асосида яратган балети музыка санъатимизда ўзига хос ўрин олди.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет Катта театри коллективи бастакор билан ижодий ҳамкорлигини давом эттириб, ана бир спектаклни сахнага олиб чиқишга киришди.

Ўзбек шеърятининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса»си ана шу постановка учун асос қилиб олинди. Янги асар музыкаси ўзига хос жанрда ёзилди, учта бир актли балет ҳамда иккита актли операдан иборатдир. Шунга қўра театр коллективи уни икки қисмли спектакль қўринишида постановка қилишни лозим топди.

С. ОДИЛОВА.

• РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ •

КОЛУМБ САФАРИ
ТАКРОРЛАНАДИ

● Бундан беш аср муқаддам испан экспедициясини бошқарган генуялик Христофор Колумб 1492 йил 12 октябрда (Америка кашф этилишининг расмий санаси) Сан-Сальвадор ороли соҳилига қадам қўйганда, буюк тарихий кашфиёт очганини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Ахир, бу дегизчи Ҳиндистон томон энг қисқа йўлни излаётганди-да...

Ҳозирги кунда ушбу буюк кашфиётдан миннатдор авлодлар инсоният тарихидаги мазкур оламшумул воқеанинг 500 йиллигини кенг нишонлаш тараддуҳидилар.

Суратда Сиз Х. Колумбнинг уч кемасидан бири — «Санта Мария»нинг деярли тайёр нусхасини кўриб турибсиз. У Испаниянинг Барселона шаҳридаги верфлардан бирида ҳозирланган. ЭФЭ агентлигининг хабар беришича, бу кема буюк дегизчи сафарини такрорлаш мақсадида қўрилаётган экан.

ҲАМ СПОРТ, ҲАМ ТОМОША

● МАМЛАКАТИМИЗ пойтахтидаги «Торпедо» стадионида москваликлар ва шаҳар меҳмонлари Чехословакиянинг «Шкода-Автомобил» коллективи спортчилари меҳоратини завқ билан томоша қил-

дилар. Автомобиль бошқариш санъатини мукаммал эгаллаган йигитлар шаҳар йўлларида учраши мумкин бўлган турли ҳолатлардан чиқиб кетиш усулларини намойиш этишди.

Бу томошаларда пойгачилар

билан бир қаторда «Хобби» каскадёрлар гуруписи ҳам қатнашди. Автордое чиқишлари Оре́л, Рига, Ленинград, Брянск каби шаҳарларда ҳам намойиш этиш режалаштирилган.



Суратда: «Шаҳардаги тикилиш» деб номланган томоша пайтида.

ИСТИҚБОЛ
ТРАНСПОРТИ

● ЭЛЕКТРО-МАГНИТ ўқли транспорт воситаси (ТЭМП) — кейинги беш йилликдаёқ одамларга хизмат қила бошлаган мумкин. «Магнитоплан» устида ишлайтган «Электроспецтранс» мутахассисларининг бунга ишончлари қомил.

Соатига бир неча юз километр йўл босувчи «учар» вагонлар яратилиш устида Япо-

ния, АҚШ, ГФР олимлари бош қотирмоқдалар. 1976 йилдан бери бизнинг мамлакатимизда ҳам бу иш билан шуғуллана бошлаганди. Суратда: Москва яқинидаги полигонда синновдан ўтказилаётган, экологик яхшадан тоза, шовқинсиз, ишончли, тезаскор янги транспорт воситаси — «Магнитоплан».

СУВ ЮЗИДА
ШОВҚИНСИЗ

● КЕМАСОЗЛИКНИ ривожлантириш Япония уюшмаси шовқинсиз, тез юрадиган «XXI аср кемасини» яратиш лойиҳасини тасдиқлади. 1990 йилдаёқ «Ямато-1» тажриба аппаратини сувга тушириш мўлжалланмоқда.

Бу кема остига ўрнатилган икки қудратли двигател дегиз сувини ичига «ютиб», кейин куч билан уни чиқариб юборади.

Узунаси 22, кенглиги 10 метрни ташкил этадиган «Ямато-1» сахнига 10 кишини сийдир олади. Келгусида бу кема сув сатҳи бўйлаб соатига 185 километр тезликда ҳаракат қилиши мумкин, дейишмоқда уни яратётган мутахассислар. Суратда: «Ямато-1»нинг ташқи қўриниши шундай бўлади.

ТАСС фотолари.

ХАБАР БЕРАДИ
ҚОТИЛ УШЛАДИ

● 12 АВГУСТ тонига Янги-обод шаҳри автобус-таксомотор паркни ёнидаги Шоссейная кўчасида қорни ва кўкрагига пичоқ уриб, қамақланган 59 ёшли пенсионер В. А. Лисова жасади топилди. Бу ёвуз қотиллик изидан тушган жиноят қилғувчи ходимлари бир ҳафта ўтгач, Н. И. Кузнецов исмли шахсни қўлга олдидилар. Янги-обод шаҳрида истиқомат қилувчи 60 ёшли бу пенсионер айбини бўйнига олди. Шунингдек унинг квартирасидан топилган қон доғлари сарлаган шим ҳам мазкур жиноятнинг ашёвий далили деб ҳисобланмоқда. Қотиллик сабаблари аниқланаяпти.

ЭҒАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

● 16 АВГУСТ соат 20.30 атрофида Чирчиқ шаҳридаги У. Юсупов кўчасида 28—30 ёшлардаги номўдум кимса ТошДУ талабаси Д. Ғуломовга пичоқ ўқатиб, унга тегилши И 19—05 ТШ номерли машина рагнли ЗА3—968 автомашинасини олиб қочганини ва Бўстонлиқ райони йўналишида кўздан гойиб бўлганини мили-

цияга хабар қилишди.

Шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари зудлик билан қўлга олиш режасини тузиб чиқиб, ишга киришдилар. Натижада, 17 август кўни мазкур жиноятни содир этган, деган шубҳа билан «Чирчиксельмаш» заводининг 24 ёшли ишчиси Э. Сеферов қўлга олинди. У қилган жиноятига иқдор бўлди. Бўстонлиқ районининг Энергетиклар посёлқасидан топилган автомашина эгасига қайтарилди. Тергов давом этмоқда.

ҚИДИРИЛМОҚДА

● 8 АВГУСТДА Оржоникидзе район ички ишлар бўлимига «Ботаника» санаторийсининг бош врачни мурожият этиб, Наманган олаётганда Чуст районидан келиб мазкур санаторийда дам олаётган 78 ёшли Холдоржон Норматовнинг бедарак йўқолганини маълум қилди. У 30 июль кўни 9.30 да санаторийдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170 см, сочлари олинган. Ушв кўни қора костюм-шим, кўйлак кийган, 42-размерли жигарранг пойабзалда эди.

Х. Норматов ҳақида бирор маълумотга эга бўлган одамларнинг қуйдаги телефонлардан бирига кўнғироқ қилишларини сўраймиз: 02, 33-53-04, 64-65-69.

Область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси матбуот маркази.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов
Издается на узбекском языке

Редакция адрес:
700083, ГСП, Ташкент,
Ленинград кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва ошмавий ишлар бўлими.